



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 1 октябрь, № 203 (7161) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАРИХИЙ МУШТАРАКЛИККА ЭГА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 30 сентябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.



Нью-Дехли, 30 сентябрь. ЎЗА махсус муҳбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ҳиндистоннинг қадимги пойтахти Агра шаҳрига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев раффикаси билан жаҳонга машҳур Тож Маҳал меъморий обидасини зиёрат қилди. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири деб эътироф этилаётган мазкур ёдгорлик буюк шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг авлоди Шоҳ Жаҳон томонидан турмуш ўртоғи Мумтоз Маҳал хотирасига бағиш-лаб 1632 — 1653 йилларда бунёд этилган. Шоҳ Жаҳоннинг ҳукмронлик йиллари Ҳиндистонда бобурийлар

салтанатининг энг гуллаган, олтин даври ҳисобланади. Маълумки, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда савдо, илм-фан ривожини, бунёдкорлик, маъмурчиликка катта эътибор қаратган. Аградан ташқари бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб иншоотлар, масжидлар, мақбаралар қурдирган. Ушбу обидалар ичида Тож Маҳал ўзининг тарихи, гўзаллиги, маҳобати, жаҳон меъморий санъатининг бетакрор аъналарини мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис бу ердан маҳаллий зиёратчи ва хорижий туристларнинг қадами узилмайди.

Президентимизнинг Ҳиндистонга давлат ташрифини ушбу мажмуа зиёратидан бошлашида чуқур маъно бор. Зеро, Тож Маҳал — ўзбек ва ҳинд халқлари учун бирдек қадри обида, мамлакатларимиз тарихи муштараклиги ифодасидир. Мақбара зиёрати чоғида Курьон тиловат қилинди. Президентимиз Ҳиндистонлик расмий шахслар билан мулоқотда Ўзбекистонда ҳам қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар кўпчилиги, икки мамлакат ўртасида сайёҳлар борди-келдисини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз Ҳиндистон пойтахти Нью-Дехли шаҳрига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари ҳинд халқи аъналарига хос тарзда кутиб олинди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Унда Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Винод Кумар, Ҳиндистон саноат-

чилари конфедерацияси бош директори Чандражит Баннержи, шунингдек, "Apollo Hospitals Enterprise Ltd", "ONGC Videsh Ltd", "Sun Group", "Indorama Corporation", "Hero Enterprise Ltd", "Cadila Pharmaceuticals Ltd", "Lakshmi Machine Works Ltd" каби нуфузли компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Мулоқотда Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўламли иш-хотлар хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйиши учун кенг имконият яратиб беришни таъкидланди.

Ҳиндистонлик бизнесменлар юртимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳити янада яхшиланаётгани мамлакатимизнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш, юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидлади.

Ташриф арафасида Нью-Дехлида ўтказилган бизнес форуми икки мамлакат ишбилармон доираларининг ҳамкорлиги учун самарали майдон бўлди. Ушбу форумда савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгаши тасвир этиш масалалари муҳокама этилди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 1 октябрь куни бўлиб ўтади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд, Бош вазир Нарендра Моди ва ушбу мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

Ташриф якунида Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазирининг қўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро салмоқли ҳужжатлар, мамлакатларини худудлари ва муассасалари ўртасида битимлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Парламент ҳаёти

Бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам кенг нишонланади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти замирида, аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги тамойилини тўлиқ жорий этиш мақсади мужассамлиги билан аҳамиятлидир.

Ёшлар ҳуқуқи соҳасида фикр алмашилди



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ёшлар ҳуқуқи: амалиёт ва халқаро тажриба" мавзюда ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳусусида сўз борди. Депутатлар, мутасадди вазирилик ва идоралар, нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари, сиёсий партияларнинг Ёшлар қанотлари фаоллари, талаба-

ёшлар ҳамда журналистлар қатнашган тadbирда қайд этилганидек, ўтган даврда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга солишда 12 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ва 700 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди ва БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди.



«Шарқ» электропоезди

Замонавий ва қулай вагонларда хизмат кўрсатилади.

Туризм ривожига транспорт тизимининг алоҳида ўрни бор. Шу боис кейинги йилларда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан янги линиялар барпо этиш, мавжудларини модернизация қилиш, поездаларни замон талаблари даражасида жиҳозлаш ишлари катта эътибор қаратилмоқда. Натижада айни пайтга келиб республикамиздаги юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар сони тўрттага етказилди. Улар Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарларга мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Тошкент — Андижон — Тошкент, Тошкент — Термиз — Тошкент, Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишларида ҳам тезорар электропоездлар орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиб келиняпти.



Бугунги кунда темир йўл транспортига бўлган талаб тобора ортмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 17,5 миллион нафар йўловчи поездаларда ўз манзилига етказиб қўйилгани фикримиз тасдиғидир. Бу эса, ўз навбатида, мазкур транспорт воситаларини янада замонавийлаштириш, уларда йўловчиларга кўпроқ қулайликлар яратишни тақозо этмоқда.



Дил сўзи

Эътибор ва эътироф шуқуқи

Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги ҳамда шу йил 28 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган хизматлардан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони машаққатли ҳамда шарафли касб соҳиблари кўксини қувонч ва ғурурга тўлдирди. Юқаск эътибору эътирофдан тўлқинланганларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.



Илм-фан янада равақ топади

Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, ижтимоий-сиёсий юқалиши бевосита малакали ва тажрибали кадрларга боғлиқ. Шу боис ҳар бир давлат илм-фаннинг равақ топишига алоҳида эътибор қаратади.

Депутат фикри

Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармон ҳам соҳада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятлидир. Унга мувофиқ, хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ҳамда табибёт вазифаларидан бири этиб белгиланган бошқа истиқболли тармоқларида, айникса, энг янги материаллар, иннова-

цион технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳаларида меҳнат қилаётган, қимматли илмий, амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш, хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантиришда, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим ҳамда илмий марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, ҳамкорликни ривожлантиришда ватандошлар салоҳиятидан фаол фойдаланиш жамғармининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Шунингдек, давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан

фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш амалга оширилиши мумкин бўлган жаҳон мамлакатлари ҳамда мутахассисликлар бўйича каталоглаштирилган қимматли илмий-амалий тажрибага эга ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш юртимизда, албатта, мамлакатимизда илм-фани янада ривожлантириш, тажрибали кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, "Эл-юрт умиди" жамғармаси илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлири ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ҳузурда иختисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларнинг ташкил этилишида ҳам муҳим омил бўлади.



(Давоми 2-бетда).



Биз ўзимиздаги жамики яхши фазилатлар, ҳаётда эришаётган барча ютуқларимиз учун сиз, азизлардан умрбод қарздормиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Ўғозим сизга, Устозлар

1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кунин

...Гўшақни кўтарган Мамлакат опага таниш овоз эшитилди: “Устоз, туғилган кунингиз ва касб байрамингиз билан табриклайман!”

МУРАББИЙНИНГ БАХТ ФОРМУЛАСИ

Хар йили байрам арафасида ҳудди шундай ҳол такорланади. Устознинг бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаётган қайси...

вий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган ёшлар ҳеч кимдан кам бўлмайд.

— Коллежимиз жамоаси мана шу мақсад йўлида куч-ғайратини аямаяпти, — дейди пазандалик, қандолатчилик, новвойлик...

Биринчи муаллим

Нарғизахон Мўминова ёшлигидаёқ онасига ҳавас қилиб, “Катта бўлсам, ўқитувчи бўламан!”, дер экан.

ўтиши, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиши билан кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда.

“Ўртача ўқитувчи ҳикоя қилади. Яхши ўқитувчи тушунтиради. Аёло даражадаги ўқитувчи илҳом беради”.

Ташаббус

Ҳаётимиз чироғи

Инсон камолотида унга илк бор ҳарф ўргатган, уни маърифат ва зиё сари етаклаган ўқитувчи ҳамда мураббийларнинг хизмати беқиёс.

Дарс машғулотлари давомида талабаларга фан бўйича адабиётларни тавсия этиш билан бирга, мустақил ишлаши учун ушбу лойиҳанинг тавсия этилиши...

Ҳаёт — мисли уммон. Унда ҳар бир қайиқнинг ўз борар манзили бор. Ким қайси томон сузмасин, унинг йўлбошчиси аслида биринчи устозидир!

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъжмаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 72 393 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.

Тахририятга келган кўлаб маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71 233-52-55; Котибият 71 233-10-28; Ўзбоқлар 71 232-11-15.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

БОКИЙ ФИКРЛАР

“Билим қайтаруш ва такрорлаш мевасидир”. Абу Райҳон БЕРУНИЙ

“Ўртача ўқитувчи ҳикоя қилади. Яхши ўқитувчи тушунтиради. Аёло даражадаги ўқитувчи илҳом беради”.

“Буюқ ўқитувчи билан ўтказилган бир кун минг кун давомидаги машаққатли дарслардан яхшироқ”.

Алишер НАВОЙИ, Уильям Артур УОРД, америкалик ёзувчи, Япон ҳикмати.

Саодатли кунлар шукронаси

ёнида жажжи бир ўқувчи йиғлаб ўтирарди. Уни бобоси ҳар кун эшакда олиб келар экан, бугун тоби қочиб келолмай қолди.

Сулувхон момонинг қирқ йил мобайнида қилган меҳнатлари юзага чиқди. Халқ таълими аълочилиги бўлди, ижодкор ўқитувчи сифатида вилоятга танилди.

ланган. Авалгидек юз-юз элликта эмас, минглаб болалар таҳсил олишяпти.

ASAKA BANK. ХўРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банки жамоаси мамлакатимиздаги барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюқ Турон” кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 01.05. Топшириқ — 02.00